

PEDAGOGIK MAHORAT

8
2023



21.	АВУЛХАЙРОВ Фирдавсий Ўткир ўгли	Оилада соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик муаммолари	103
22.	БАФАЕВ Мухиддин Мухаммадович	Толерантликнинг назарий-методологик ва концептуал асослари	107
23.	БУХОРОВ Исмоил Нейматович	Таълим-тарбия фаолиятини амалга оширишда андрагогик ёндашув	112
24.	ЖУМАНОВА Фатима Ураловна	Янги Ўзбекистонда ўқитувчи касбига оид инновацион фаолият ва педагогик маҳорат	116
25.	ИБРАГИМОВ Аъламжон Амриллоевич	Ўқитувчини касбий фаоллаштиришда когнитив визуаллаштиришга доир тадқиқот ва таҳлил	121
26.	КОМИЛОВ Нодирбек Бокижонович	Замонавий тиббиёт педагогикасида тиббиёт тарихи фанини ўқитишнинг энг муҳим жиҳатлари таҳлили	127
27.	ОΡΙББОЕВА Дилафрўз Дадамирзаевна	Бўлажак педагогларда касбий-мотивацион соҳанинг ривожланганлиги ижтимоий компетентликни белгиловчи омил сифатида	132
28.	ОЧИЛОВА Хурсаной Махмуд қизи	Таълим кластери муҳитида бўлажак мутахассисларни Устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси	138
29.	RO'ZIYEV Umar Muzafarovich	O'spirinlarda ijtimoiy fobiya rivojlanishi bilan bog'liq holatlarning diagnostikasi	142
30.	ТУРДИЕВ Бахтиёр Эргашевич	Бўлажак информатика ўқитувчиларни касбга тайёрлашда индивидуал таълим муҳитини шакллантириш	149
31.	ХИКМАТОВА Мукадас Нуриллоевна	Самостоятельная работа как обязательный вид образовательной деятельности	154
32.	ЮЛДАШЕВА Дилдора Махмуджановна	Бакалавр йўналишида касбий компетенцияларини шакллантиришга турли ёндашувлар	159
33.	ҚУЛИЕВА Шаҳноза Ҳалимовна	Технология таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув-методик тизимнинг аҳамияти	168
МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГ'ИЧ ТА'ЛИМ			
34.	ISMATOV Sobir Raximqulovich	Boshlang'ich sinf o'qish darslarida matn ustida ishlash orqali nutq o'stirishning psixologik xususiyatlari	172
35.	KUCHKAROVA Shakarjon Azimboy qizi	Boshlang'ich sinflarda matn ustida ishlash orqali nutq o'stirishda o'qish va ona tili ta'limining uzviyligi	176
36.	MO'MINOV Sulton Akbar o'g'li	O'zbekistonda maktabgacha va maktab ta'limi tizimida inklyuziv ta'lim	184
37.	ORIOVA Munisa	Badiiy tarbiya o'quv mashg'ulotlari orqali maktabgacha yoshdagi bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish	189
FILOLOGIYA VA TILLARNI O'QITISH			
38.	IMINAKHUNOVA Iroda Xuseinovna	A professionally-oriented approach to teaching English at a medical University	193
39.	КАКХОРОВА Турсиной Улугбек қизи	Peculiarities of using digital technologies in teaching English in medical institutions	197
40.	ХУДАЙБЕРДИЕВА Дильфуза Мухтаровна	Преподавание русского языка в нефилологических вузах	202

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ МУҲИТИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ УСТОЗ-ШОГИРД ТИЗИМИ АСОСИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Очилова Хурсаной Махмуд қизи,
Чирчиқ давлат педагогика университети
“Туризм” факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари*

Олий таълим муассасаларида узлуксиз касбий ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлган асосий иш йўналишлари мавжуд. Олий таълим муассасалари касбий таълимда етакчи ҳисобланади. Мақолада таълим кластери муҳиtida бўлажак мутахассисларни устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: технология, таълим, давлат, жамият, ташкилот, мониторинг, сифат.

ТЕХНОЛОГИЯ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ К ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ СИСТЕМЫ “НАСТАВНИК – УЧЕНИК” В УСЛОВИЯХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО КЛАСТЕРА

В высших учебных заведениях имеются основные направления работы, которые напрямую связаны с непрерывным профессиональным развитием. Высшие учебные заведения являются лидерами профессионального образования. В статье освещены вопросы подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности на основе системы наставник-ученик в условиях образовательного кластера.

Ключевые слова: технология, образование, государство, общество, организация, мониторинг, качество.

TECHNOLOGY OF TRAINING FUTURE SPECIALISTS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY ON THE BASIS OF THE “MENTOR-MENTEE” SYSTEM IN THE ENVIRONMENT OF AN EDUCATIONAL CLUSTER

In higher education institutions there are main areas of work that are directly related to continuous professional development. Higher education institutions are leaders in professional education. The article highlights the issues of preparing future specialists for professional activities based on the mentor-student system in an educational cluster.

Keywords. technology, education, state, society, organization, monitoring, quality.

Қириш. Узлуксиз касбий таълим тизимини интеграциялаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида таъкидланган меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда, унга кўра олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса кўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёти бевосита халқ фаровонлиги, инсон кадрини улуғлаш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш каби стратегик мақсадларни ўз олдига қўймоқда. Буни амалга оширишда таълим ва тарбия тизимига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, таълимнинг асосий босқичи бўлган мактаб таълими мамлакатимиз эътиборидаги асосий масалалардан бири сифатида марказий ўринда ислох қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактаб - юксак маънавият бешиги, у фарзандларимизни болалиқдан касбга ўргатувчи даргоҳ бўлиши зарур” [1], дея таъкидлагани ҳам унинг бугунги кундаги аҳамиятини белгилаб бермоқда.

Мамлакатимизда “таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиш” [2] ҳамда унинг самарали механизмларини белгилашга катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент вилоятида татбиқ этилган педагогик таълим кластери узлуксиз таълимда замонавий фикрлаш, тадқиқотчилик қобилиятига эга етук педагог-кадрларни таъминлашнинг асосий воситаси сифатида намоён бўлмоқда. Бу ўз навбатида, таълим ва тарбия

интеграцияси асосида ташкил қилинган таълим кластерининг фаолиятини доимий ислоҳ қилиш ва унинг мустақкам ва юқори натижаларни кафолатлайдиган механизмларини амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Тараққиётнинг бугунги босқичига келиб жамият ривожланишининг комплекс характерда содир бўлиши, тараққиётнинг ижобий жиҳатлари билан бирга унинг салбий оқибатларининг ҳам юзага чиқиши инсоният олдида янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. Эндиликда ўзаро таъсирлардан тўла химояланган бирор-бир минтақа ёки давлатни топиш мумкин бўлмай қолди. Ҳозирги кунда шиддатли тарзда кечаётган глобализация жараёнининг жаҳон мамлакатларига салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини ошириш учун бу ҳодисанинг моҳиятини чуқур англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Глобализациянинг моҳияти ва хусусиятларини чуқур ўрганиш унга мослашиш, йўналишларини керакли тарзда ўзгартириш, унинг кучидан «унинг ўзига қарши» фойдаланиш имкониятини яратади. Бундан кўриниб турибдики, глобализация жараёнидан ижобий ва ижодий фойдаланишнинг усул ва воситалари, механизмларини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Глобаллашув жараёнининг кучидан «ўзига қарши» фойдаланишнинг воситаларидан бири сифатида кластер моделини келтириш мумкин [6].

Касб-хунар таълимининг жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг замонавий суръатларига номувофиқлиги таълимда модернизация жараёнларига инновацион интенсификациятириш механизмларини жорий этиш вазифасини қўяди. Бундай механизмларга кластерли ёндашувни жорий қилиш ҳам қиради.

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам кластерли ёндашувнинг аҳамияти биринчи навбатда модернизация ва миллий иқтисодиётнинг технологик ривожланиши муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Бироқ кластер лойиҳаларини амалга оширишга кластерларга методик ва ахборот-маслаҳат, молиявий таъминотнинг етарли эмаслиги; ижро этувчи ҳокимият, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва кластер уюшмалари фаолиятининг мувофиқлаштирилмаганлиги каби турли ҳолатлар тўсқинлик қилади [3].

Шунингдек, бугунги кунда таълим кластери муҳитида бўлажак мутахассисларни устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлигида энг истиқболли шакл ҳисобланади. Касбий фаолиятга тайёрлашда кластерли ёндашувни жорий этиш жараёнида юзага келадиган кўп саволларни ҳисобга олган ҳолда кластер ташаббусларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. “Кластер” атамасининг турли таърифлари мавжуд. Турли хил ёндашувларда “таълим кластери” тушунчасининг таърифи сифатида саноат хусусияти, таълим тизими, “фан – технология - бизнес” ёки аралаш дастурлар тўплами ва бошқа инновациялар занжирида ўзаро таълим ва ўз-ўзига ўқитиш воситалари назарда тутилади. Кластер субъектлари (таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар, касб-хунар таълими соҳасида фаолият кўрсатувчи ҳокимият органлари) алоҳида иштирокчиларни синергетик таъсир орқали бир мақсадга эришиш учун бирлаштиради.

Мамлакатимизда педагогик таълим кластерининг илмий-назарий асослари, ундаги узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик ва бошқа тамойиллари, унинг инновацион модели ҳамда уни амалиётга татбиқ этиш механизмлари Ғ.И.Мухамедов, Ш.Қ.Мардонов, У.Н.Ходжамкулов, Ш.И.Ботирова, С.А.Тоштемирова, Н.М.Кошанова, Г.Н.Шарипова ва бошқаларнинг ишларида муайян даражада ёритилган. Бундан ташқари, касб-хунар таълимини ривожлантириш жараёни ва тенденциялари, бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш муаммолари ҳамда дуал таълим асосида таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш мавзуларида Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, Р.К.Чориев, Д.О.Химматалиев ва бошқалар тадқиқот олиб боришган.

Ҳозирги вақтда таълим кластерлари юқори даражада таваккалликда ва фаолиятнинг айрим натижалари ноаниқ бўлган шароитда фаолият юритмоқда. Бу билан боғлиқ ҳолда бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда кластерли ёндашув асосида ҳал қилиниши керак бўлган ташкилий-методик ишлар кетма-кетлигини аниқлаш, ушбу муаммо қизиқиш уйғотадиган кластер объектларини танлаш, кластернинг стратегик мақсади, унинг тури, кўриниши ва шакли (вертикал, горизонтал, фокус ва бошқалар), кластернинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш зарур.

Бугунги кунда таълим кластери мавзусида кўплаб олимлар илмий иш олиб бормоқдалар. Жумладан, У.Н.Ходжамкулов таълим кластери тушунчасини ёритишда таълим кластерининг мазмунини олий таълим муассасалари, бошланғич ва ўрта махсус таълим муассасалари,

ихтисослаштирилган мактаблар, истеъмолчилар (иш берувчилар) ва мутахассисларнинг умумий мақсад ва хусусий манфаатдан иборат ҳамкорлиги сифатида изоҳлайди. Кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилиқ даражаси билан эмас, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштириш эканлиги қайд этади [4].

Тадқиқот методологияси. Таълим кластери муҳитида бўлажак мутахассисларни устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш учун ҳокимият органлари, манфаатдор илмий ва таълим ташкилотлари, минтақадаги хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда кластерни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, узлуксиз таълимни амалга оширувчи лойиҳага йўналтирилган таълим дастурларини шакллантириш, инновацион, технологик ва ижтимоий ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришилади.

Қурилиш, тиббиёт, ижтимоий-маданий ва бошқа инновациялар кластери, университетлар, муҳандислик марказлари кластерларини яратиш ҳудуднинг фаолият йўналишига мувофиқ инновацияларни жорий этиш бўйича вазифалар мажмуасини ҳал қилиш йўллари билан бирдир.

Олий таълим муассасаларида узлуксиз касбий ривожланиш билан бевосита боғлиқ бўлган асосий иш йўналишлари мавжуд. Олий таълим муассасалари касбий таълимда етакчи ҳисобланади ва йил давомида малака ошириш курсларини жорий қилади. Бундай таълим муассасаларида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан таълим фаолияти мониторинги ва сифатини назорат қилиш тизими ҳисобга олинмасдан амалга оширилади. Бу инсон салоҳиятини ривожлантирувчи ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини таъминловчи узлуксиз касбий таълим тизимида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида расмий маълумотларни тақдим этиш учун ҳудудийликни шакллантириш муаммосини ҳал қилишни талаб қилади [5].

Шундай қилиб, таълим кластери муҳитида бўлажак мутахассисларни устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш таълимнинг ушбу кичик турини унинг энг мобил компоненти сифатида янада ривожланиши учун шарт-шароитлар яратишга ва мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш, иш берувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига тезкор жавоб беришга қаратилган. Касбий таълим кластери иқтисодий барқарор, ижтимоий ривожланган минтақани ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Ушбу вазифалар таълимнинг янги сифати, шу жумладан узлуксиз таълимга нисбатан рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган очик касбий таълим майдонини шакллантириш (янги касбларни (ижодий компонентга эга мураккаб касблар) жорий этиш), шахс томонидан умр бўйи умумий, касбий ва юқори профессионал компетенцияларни эгаллаш ва такомиллаштириш, шу жумладан, ахборот коммуникациялари, чет тиллари, тадбиркорлик ва экология бўйича “компетенциялар портфели”ни шакллантириш учун шароит яратиш, таълимнинг янги сифати эришиш учун раҳбар ва педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилади.

Тадқиқот натижалари. Одатда педагогик таълим кластерининг фаолиятига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади, жумладан, ички омиллар сифатида кластер субъектларининг унинг фаолиятли мазмун-моҳиятини, назарий ва амалий аҳамиятини чуқур илмий жиҳатдан таҳлил қилинмаганлиги ва фаолият механизмларидаги натижаларни башорат қилиш компетентлигининг йўқлиги; субъектларни кластернинг янги ишлаш механизмларига кўника олмаганлиги ёки бу бўйича етарли касбий ва билим маҳоратлари, фидоийлик, ташаббускорликнинг йўқлиги; таълим кластери фаолиятидаги вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун молиявий таъминотнинг етишмаслиги кабиларни келтириш мумкин.

Ташқи омиллар сифатида эса, барча субъектларни бундан манфаатдорликнинг англамаслиги; субъектлар томонидан таълим кластери воситасида етук педагог-кадрлар тайёрлаш орқали мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларига рақобатбардош мутахассисларни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришдаги аҳамияти тўлиқ қабул қилинмаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу каби омилларни келтиришнинг асосий сабаби минтақавий таълим кластери ижтимоий буюртмасига биринчи истеъмолчи маҳаллий ваколатли органлар ҳисобланади, улар ижтимоий буюртма тайёрланишини кузатиши, рағбатлантириш ва ёрдам бериши лозим [4], ваҳоланки таълим кластери фаолиятида уларнинг позицияси ҳали хануз аниқ белгиланмаган.

Таълим кластери фаолиятидаги муаммоларни чуқур англаган ҳолда, унинг самарали педагогик стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва бу стратегиялар субъектлар эътиборини аниқ

белгиланган мақсадга йўналтиради. Таълим кластерининг педагогик стратегиялари йўналишларга таснифланган ҳолда, тизимли ёндашувга асосланган фаолият механизмларини тақдим қилади. Минтақавий педагогик таълим кластерини йўналишлар бўйича такомиллаштириш амалга оширилган бўлса-да, унинг кейинги фаолиятини янада мустақамлаш мақсадидаги педагогик стратегияларини белгилаш унинг фаолиятини янада ривожлантиради.

Юқоридаги таълим кластерига оид муаммолар ва қарама-қаршиликларни хал қилиш зарурати куйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди:

- ўқув блоки учун - малака ошириш, касбий қайта тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали илмий - педагогик кадрлар тайёрлаш тизими орқали, хусусан, кластер ва бутун минтақанинг кадрлар потенциалини ривожлантириш, инновацион таълим технологиялари, таълимнинг масофавий ва электрон шакллари ривожлантириш, минтақада узлуксиз касбий таълимнинг интеграциялашган тизимини ривожлантириш;

- диверсификация, касбий жамоатчилик аккредитацияси механизмларини жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш;

- илмий-инновацион блок учун узлуксиз таълимни, шу жумладан болалар ва катталар таълимини ривожлантириш муаммолари бўйича илмий - тадқиқотларни амалга ошириш инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- узлуксиз касбий таълим, қўшимча таълим, масофавий ва электрон таълим, таълим кластери субъектларининг технологик даражасини ошириш, технологик модернизациялаш.

Илмий-инновацион блокнинг энг муҳим йўналишларидан бири истикболли ва долзарб йўналишлар учун талаб қилинадиган иқтисодийнинг турли соҳалари мутахассисларининг малака даражаси ҳисобланади. Бу бартараф этиш учун куйидаги ишларни бажариш талаб этилади:

- иқтисодийнинг реал сектори, ижтимоий соҳа ва мутахассисларининг малака даражаси соҳасидаги эҳтиёжлар борасида тадқиқот воситаларини ишлаб чиқиш;

- иқтисодийнинг реал сектори, ижтимоий соҳа ва бизнес корхоналари ва ташкилотлари мутахассисларининг малака даражасини таълим натижаларига айлантириш учун етишмаслиги.

Хулоса ва тақлифлар. Натижада, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва меҳнат бозори тенденциялари билан узлуксиз касбий таълим ва ривожланиш тенденцияларини синхронлаштиришга эришиш керак бўлади.

Таълим кластери муҳитида бўлажак мутахассисларни устоз-шогирд тизими асосида касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида мутахассислар ва уларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган малака талабларига эътибор қаратиш зарур, бунда миллий, ижтимоий-иқтисодий маълумотлар таснифлагичи, малака тузилмаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, касбий ва корпоратив стандартлар, малака тавсифлари ва бошқаларга эътибор қаратиш керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847-сон. 2019 йил 08 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

2. Интервью С. В. Антроповым: «На сегодняшний день в России лишь небольшая часть кластеров достигла стадии практической реализации» // Дискуссия. 2015. № 7 (59). URL: <http://www.journal-discussion.ru/publication.php?id=1387>

3. Ходжамқулов У.Н. Кластер ёндашуви асосида педагогик таълим сифатини бошқариш ва рақобатбардошлигини такомиллаштириш. Электрон ресурс: <https://www.ares.uz/uz/maqola-sahifasi/klaster-yondashuvi-asosida-pedagogik-talim-sifatini-bosharish-va-raobatbardoshligini-takomillashtirish>

4. Тоштемирова С.А. Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш / монография. - Тошкент: “ISHONCHLI HAMKOR», 2021. -188 б.

5. Бабаходжаева Л.Г. Талабаларнинг педагогик компетентлигини ривожлантириш жараёнида аралаш таълим моделини жорий этишнинг назарий ва амалий асослари / пед. фан. бўй. докт. (DSc) дисс...автореф. Чирчик, 2021. -Б. 32.

6. Ходжамқулов, У. Н. (2019). Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида (педагогик таълимни кластерлаштиришнинг зарурати). Современное образование (Ўзбекистан), (10 (83)), 10-15.